

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**522 Тошкент давлат стоматология институти фаолияти-
ни ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини
шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида» 2014 йил 22 июлдаги ПҚ–2215-сон қарорини ижро этиш юзасидан, шунингдек стоматология соҳасида юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларининг моддий-техника базасини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини, кадрлар ва илмий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2-иловага* мувофиқ вилоят ва шаҳар стоматология поликлиникаларини Тошкент давлат стоматология институтининг Нукус, Андижон, Бухоро ва Самарқанд филиаллари клиник базалари сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

Тошкент давлат стоматология институти филиалларининг тузилмаси ва штатдаги ходимлари сони олий таълим муассасалари учун амалдаги штат нормативларига мувофиқ белгиланади;

Тошкент давлат стоматология институтининг клиникаси Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасининг ихтисосли бўлинмалари, талабалар поликлиникаси ва стоматология поликлиникалари негизда ташкил этилади.

4. Қуйидагилар:

Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиаллари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, пулли-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги Стоматология ва юз-жаф жарроҳлиги илмий-амалий маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, шу жумладан илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар бўйича ажратиладиган маблағлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ва донор ташкилотларнинг грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Тошкент давлат стоматология институти клиникаси фаолиятини молия-

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лаштириш манбалари этиб — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Тошкент давлат стоматология институти филиаллари ва талабалар яшаш жойлари учун фойдаланилмаётган ёки бошқа мақсадларда фойдаланилаётган биноларни аниқласин ва ажратсин.

6. Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиаллари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича:

буюртмачи этиб — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бирлашган қурилиш дирекцияси;

бош лойиҳалаш ташкилоти этиб — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК;

бош пудратчи ташкилот этиб — танлов савдолари асосидаги ташкилот белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги лойиҳалаш ташкилоти билан биргаликда 2014 йил 1 декабргача бўлган муддатда Тошкент давлат стоматология институти янги бинолари мажмуини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш сифати устидан давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгашнинг кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига Тошкент давлат стоматология институтининг янги бинолари мажмуини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга жорий йилда маблағ ажратиш тўғрисида таклиф киритсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларининг ўқув биноларини ва талабалар яшаш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун зарур маблағлар киритилишини назарда тутсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АК, «Ўзметкомбинат» ОАЖ буюртмачи ва лойиҳа ташкилотининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида, тартибга солинадиган нархлар бўйича Тошкент давлат стоматология институти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун цемент ва металл прокати ажратилишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2014 йил 1 декабргача бўлган муддатда:

стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволаш бўйича илғор хорижий тажрибани жорий этишни ҳисобга олган ҳолда стоматология соҳасидаги амалдаги стандартлар ва клиник протоколларни танқидий таҳлил қилсин ва қайта кўриб чиқсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга стоматологик асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, ёрдамчи материаллар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни кейинчалик республикада маҳаллийлаштирган ҳолда ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Бош вазирнинг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 14 октябрь,
287-сон